Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 83 (20. 650) • 1990 йил 10 апрель, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

МЕН ЎЗБЕКИСТОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР НОМИДАН ГАПИРАМАН

Адолат енгади, ҳақиқат синмайди, ёнмайди, чўкмайди, ўчмайди

Владимир ОДИЛОВ,

СССР халқ депутати, СССР Прокуратурасининг Т. Гдлян бошлиқ тергов гуруҳи фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш юзасидан СССР халқ депутатлари Съезди комиссияси аъзоси.

Владимир Тўйчиевич Одиловни билмаган киши кам топилади. У ҳалол меҳнати, эл ишига жонкуярлиги, касбдошларига меҳр-мурувватлилиги туфайли обрў-эътибор топаётганлардан. Тошкент шаҳридаги Чкалов номли самолётсозлик бирлашмасининг оддий бригада бошлиғи, айни пайтда СССР халқ депутати, Гдлян бошлиқ тергов гуруҳи фаолиятини текшириш комиссияси аъзоси сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. У комиссия составида жумҳуриятимизни айланган чоғида жуда кўп шаҳар ва қишлоқларда бўлди, у ердаги ҳужжатлар билан танишди, одамлар билан суҳбатлашиб, гувоҳларнинг фикру хулосаси, арзи-фарёдини эшитди. Владимир Одилов ана шу текширишлар якунига кўра СССР халқ депутатларининг Съездида гапириш учун сўз олган эди. Аммо, у ўрганган, кўриб чиққан масалаларнинг ҳаммасини олий анжуманда баён этиш учун вақт тиғизлик қилди.

Ҳолбуки, унда қонунбузарликка эрк берилганини кўрсатувчи факт ва ҳужжатлар, ана шу машъум тергов ишларига оид эътиборга сазовор мулоҳазалар кўп эди. Биз қуйида Владимир Одиловнинг розилиги билан иккинчи Съездда гапириш учун тайёрлаган нутқининг матнини босаётирмиз:

— Мен шунинг учун ҳам минбарга чиқдимки, бундан кейин жим туролмайман ва бунинг учун ҳақ-ҳуқуқим йўқ, деб ҳисоблайман. Гдлян ва Ивановларнинг жиноятдан, нопок ишлардан кейин рўшноликда юриши Ўзбекистоннинг минглаб сайловчилари норозилигини уйғотмоқда. Бу янги чиққан «сиёсатдонлар» ўзларининг намойишкорона «принципиалликлари» билан жумҳуриятимизда қилинган жиноят учун эътиборни чалғитишга ва масъулиятдан бўйин товлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Мен ўзимнинг ҳар бир сўзим учун масъулиятни ҳис этаётганлигимни билдираман.

Яқинда матбуотда тергов гуруҳи томонидан мусодара этилган қимматбаҳо буюмларнинг қиймати гўёки 43 ёки 33 миллион сўм эканлиги келтирилди. Ҳозир Гдлянниг тергов гуруҳи давлатга 22 миллион сўм топширганлиги маълум. Аммо ана шу матбуотдаги чиқишда у 140 миллион сўм рақамини ҳам келтирди. Бундан буён биз ёлғончилик Гдлян гуруҳининг асосий усулларидан бири эканлигига ишона боряпмиз. Менда шундай савол туғилди: улар мусодара қилинган қимматбаҳо нарсаларнинг қанчасини давлатга топширишди экан?

Мен танишиб чиққан ҳужжатларга эътибор қилинг.

Гдлян бошлиқ терговчилар гуруҳи 1987 йилнинг 24 декабрида Тўрткўл районидаги Димитров номли колхозда Б. Н. Тожиевдан мусодара қилган қимматбаҳо буюмлар ҳужжатларда қуйидагича расмийлаштирилган: қора полиэтиленли ўрамда учта ғаладон бор эди. Уларнинг бирида заргарлик буюмлари ва тангалар, сочматилла узук, балдоқлар, зирак, соатлар, даструмолда заргарлик буюмлари, беш ва ўн сўмлик қийматидаги тилла тангалар, иккинчи ғаладонда — заргарлик буюмлари, тилла тангалар, учинчи ғаладонда — заргарлик буюмлари, тилла тангалар бор эди. Мусодара этилган нарсалар жойлаштирилган ва СССР Прокуратурасининг 269-муҳри билан сўрғичланган.

Ҳужжатга Гдлян ва бошқа кишилар қўл қўйишган.

Кўрсатилган қимматбаҳо нарсалар уларнинг белгилари, сони, салмоғи ва бошқа жиҳатлари кўрсатилиб муфассал ёзилиши кераклигини билиш учун ҳуқуқшунос бўлиш шарт эмас.

Мен ўқиб чиққан ҳужжатлар бўйича 1987 йил 24 декабрь эрта тонгда Тожиевдан қандай ва неча сўмлик қимматбаҳо буюмлар мусодара этилганлигини ким айтиб бера олади?

Бу айрим фактлар эмас, балки Гдлян томонидан ташкил қилинган, деярли яққол кўриниб турган нопок системадир.

Шубҳага ўрин йўқ, қимматбаҳо буюмлар қонунга зид ҳолда махсус ҳисобга олинган эмас. Олтин балиқ осон тутилиши учун Гдлян сувни шундай қилиб лойқалантирган. Натижада ҳозир унда тез-тез баъзи омбор мудирларида бўлиб турадигандек қимматбаҳо нарсаларнинг алоҳида йирик миқдорда камомади келиб чиқди. Аммо Гдлян омбор мудирларидан фарқли равишда депутатлик ваколатидан фойдаланиб, жазога тортилмай юрибди. Мен СССР Бош прокурорига мурожаат этмоқчиман! Айтингчи, қонун олдида ҳамма баробар эмасми?

Бир қатор газеталарда, масалан, «Советская молодёжь» газетасида (Латвия) ўтган йилнинг 21 октябрида Гдляннинг узундан-узоқ суҳбати босилиб чиқди. Унда қуйидагича гаплар бор: «Биз ҳуқуқий давлатни биринчи ғиштини қўйишдан бошлаймиз. Биринчи ғишт — шахс эркинлиги, ҳар бир кишининг нормал иқтисодий, сиёсий-маданий, миллий ривожланишини таъминлашдир».

Шуни таъкидламоқчиманки, бу сўзлар ишонувчан кишиларга мўлжалланган қабиҳ иккиюзламачиликдир.

Унинг сўзларини келтиришдан аниқ далил-у ашёларга ўтаман.

СССР Бош прокурорининг ёрдамчиларидан бири Р. М. Овчарова 1985 йилдаёқ Бухоро иши деб номланган айёлов қўллаб-қувватлангандан кейин шундай деб ёзган эди: «...Судда 30 дан ортиқ гувоҳлар калтакланишгани, уларни ҳибсга олиш ҳақидаги қарорларни тақдим этиш ушланиб қолгани, хотинлари, опа-сингиллари ва қизларини зўрлаш ҳақида дўқ-пўписалар қилингани, уларнинг инсоний ва миллий қадр-қимматлари таҳқирлангани ҳақида гапиришди.

Мен Бухоро иши билан тамомила алоқаси бўлмаган бошқа ишлар ҳужжатлари билан танишганимдан сўнг барча ишлар бўйича ўзбошимчалик ҳукм сураётганлигига аччиқ-алам билан ишондим».

Фактлар келтираман, Гдлян ҳар бир иш бўйича айбланувчиларга ўдағайларди, ўзига керакли далилларни қандай қилиб бўлса ҳам қўлга киритар, акс ҳолда хотинлари, болалари, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларини ҳибсга олиш ҳақида дўқ-пўписа қиларди. У ана шу дўқ-пўписалари устидан чиқди. Оммавий равишда қонунни тамомила паймол этиб ҳибсга олиш ҳоллари бўлгани унинг виждонига ҳавола. Қамоққа олиш тўғрисидаги кўпгина ҳужжатлар тергов гуруҳи томонидан инсон ҳуқуқига қарши қилинган жиноятни яшириш учун содда қилиб айтганда йўқ қилиб юборилди.

Шундай қилиб Нурумбетов иши бўйича унинг пенсионер онаси, икки ўғли, куёви, хотинининг укаси ва яна бир қариндоши ҳибсга олинди. Каримов иши бўйича 20 дан ортиқ қариндоши, Усмонхўжаев, Ражабов, Камолов, Примов, Худойберднев, Жўманов, Мусахонов ва бошқаларнинг қариндош-уруғлари ҳам ҳибсга олинган эди.

Юзлаб кишилар, улар орасида ҳатто 10—12 тадан боласи бўлган аёллар ҳам ойлаб қонунсиз ушлаб турилди, таҳқирланишга маҳкум этилди, қадр-қимматлари топталди.

Гдлян ва Иванов оддий фуқароларнигина эмас, халқ депутатларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам поймол этишди. Гдляннинг фармойиши билан овул Советининг депутати Ражапов ҳибсга олинди. Терговчилар шу ўринда унга уларни овул Советининг депутати бўлиш-бўлмаслиги қизиқтирмаслигини айтдилар. Нукус шаҳар Советининг депутати Худойберганов қонунсиз қамоққа олинди. Бу ўринда Иванов беодоблик билан уни депутатлик мандатидан маҳрум қилиш бир стакан сувни ичгандек оддий эканлигини шама қилди.

Гдлян ва Иванов ана шулардан кейин ҳам ўзларининг ҳуқуқий давлати қуришдаги, ҳар бир кишининг ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги роллари ҳақида гапиришга жўръат эта оладиларми? Охир-оқибатда бу кишиларнинг иккиюзламачилиги, беҳаёлиги ва сурбетлигига бирор-бир чегара борми?

(Давоми иккинчи бетда).

КЎКЛАМ—МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

ЭКИШ ҚИЗҒИН

● **ЧИГИТ:**

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари ер етилиши билан сеялкаларни далаларга олиб чиқдлар.

Бу йил улар 1600 гектар ерга барака-уруғини қадашади. Уларнинг нияти ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил олиш. Азаматлар ҳозиргача 1400 гектардан зиёд ерга уруғ қадаб бўлишди. Холиқул Шералиев, Турсунбой Саримсоқов сингари моҳир механизаторлар астойдил меҳнат қилишаётир.

У. МУҲАМЕДОВ.

● **МАККАЖЎХОРИ:**

Олтинкўл районидаги Калинин номли колхоз механизаторлари айни кунларда дон учун маккажўхори экишни қизитиб юборишди.

Ерлар яхши тайёрлангани туфайли бу иш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Умуман хўжалик бўйича 60 гектар майдонга маккажўхори экиш мўлжалланган. Моҳир механизатор Қодир Осипов ва сеялкачи Бозорбек Умаров маккажўхори экишда кўпчиликка ўрнак бўлишаётир.

Суратда: сеялкачи Бозорбек Умаров (чапда) билан механизатор Қодир Осипов.

Р. АШУРОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Ғиждувон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхозда Абдураҳмон Ибодовни моҳир боғбон сифатида эъзозлашади. У ижарага олган боғидан ҳар йили мўл ҳосил олиб, эл дастурхонини тўкин-сочин қилишдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу йилги кўкламда соҳибкорнинг ташаббуси билан хўжаликда 5 минг узум қаламчаси экилди.

Ш. БАҲРОМОВ.

Н. ТОШЕВ.

* * *

Боёвут районидаги Ленин номли колхоз меҳнат аҳли кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлигида фаол иштирок этмоқда. Шу кунгача томорқа участкалари ҳамда ариқ бўйларига 30 минг тупдан зиёд тут кўчати ўтказилди. Колхоз марказига яқин жойда янги боғ барпо этилди. Бу ерса ҳозиргача 400 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, меҳр билан парваришланмоқда.

Боғ-роғлар яратиш ишида хўжаликнинг Ғ. Каримов, Ж. Примқулов, Б. Абдураҳмонова, А. Йўлдошева, Н. Дўстбекова каби миришкор соҳибкорлари бош-қош бўлмоқдалар.

А. НОРҚУЛОВ.

* * *

Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхоз аъзолари дашт-тошлоқ ерларнинг 103 гектарини ўзлаштириб, бу жойда боғ яратишга киришдилар. Ҳозиргача ушбу майдонга ёнғоқ, ўрик, олма, бодом, беҳи, анор ва бошқа мевали дарахт кўчатлари экилди. 450 мингдан ортиқ бу ниҳоллар астойдил парвариш қилинмоқда.

А. БАҲРИДДИНОВ.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Фавқулодда ҳолат табиий офат, катта авария ёки фалокат вақтида, юқумли касалликлар кенг тарқалган пайтда, шунингдек оммавий тартибсизликлар чоғида СССР гражданлари хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, СССР Конституцияси ва ушбу қонунга биноан эълон қилинадиган муваққат тадбирдир.

Фавқулодда ҳолат эълон қилишдан мақсад вазиятни тезроқ нормаллаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклашдан иборат.

2-модда. Иттифоқдош, автоном республика ёки бир республика таркибига кирувчи айрим жойларда фавқулодда ҳолатни тегишли иттифоқдош, автоном республиканинг Олий Совети бу ҳақда СССР Олий Советига, СССР Президентига, шунингдек тегишли иттифоқдош республика Олий Советига билдириб эълон қилади.

СССР Президенти СССР гражданларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида айрим жойларда фавқулодда ҳолат эълон қилишидан огоҳлантиради, зарур бўлиб қолганда эса уни тегишли иттифоқдош республика Олий Совети Президиуми ёки давлат ҳокимияти олий органининг илтимоси ёки розилигига биноан жорий этади. Бундай розилик бўлмаган тақдирда қабул қилинган қарорни СССР Олий Советининг тасдиғига дарҳол тақдим этиш йўли билан фавқулодда ҳолатни жорий этади. СССР Олий Советининг мазкур масалага доир қарори унинг аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

СССР Олий Совети фавқулодда ҳолатни бутун мамлакатда жорий этади.

3-модда. Фавқулодда ҳолат жорий этилган пайтда бундай қарор қабул қилишининг сабаблари, унинг амал қилиш муддати ва территориал чегаралари кўрсатилади.

Фавқулодда ҳолатни эълон қилган СССР Олий Совети, СССР Президенти, иттифоқдош, автоном республиканинг Олий Совети белгиланган муддат тугагунча, уни бекор қилишга ҳақлидир.

СССР Олий Совети, СССР Президенти ёки иттифоқдош, автоном республиканинг Олий Совети фавқулодда ҳолат эълон қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилмаган бўлса ва фавқулодда ҳолатни узайтиришнинг бошқача тартиби қонунда белгиланмаган бўлса, унинг муддатини узайтиришлари мумкин.

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш, узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор, агар бошқача тарзда махсус келишиб олинмаган бўлса, қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ва дарҳол халққа маълум қилинади.

4-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фавқулодда ҳолат шароитида конкрет ҳолатларга кўра:

1) жамоат тартибини ҳамда аҳоли ва халқ хўжалигининг турмуш фаолиятини таъминловчи объектларни муҳофаза қилишни кучайтириш;

2) гражданларга албатта доимий ёки муваққат бошқа бинолар бериш йўли билан уларни яшаш учун хатарли бўлган районлардан вақтинча кўчириш;

3) гражданлар келиши ва жўнаб кетишнинг алоҳида тартибини жорий этиш;

4) айрим гражданларга муайян жойдан, ўз квартираси (уйи)дан белгиланган муддатда жўнаб кетишни тақиқлаш; шу жойнинг аҳолиси бўлмаган жамоат тартибини бузувчиларни ўзлари доимий бўладиган жойга ёки фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойдан ташқарига ўз ҳисобидан жўнатиб юбориш;

5) гражданлардан ўт очиш қуроли ва совуқ қурол, ўқ-дориларни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан эса ўқув ҳарбий техникасини, портловчи, радиоактив моддалар ва материалларни, кучли таъсир қилувчи химиявий ва заҳарли моддаларни ҳам вақтинча олиб қўйиш;

6) йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар, шунингдек томоша, спорт ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилишини тақиқлаш;

7) корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш планларига ўзгаришлар киритиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишининг алоҳида тартибини белгилаш, шунингдек улар хўжалик фаолиятининг бошқа масалаларини ҳал этиш;

8) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш; ишчи ва хизматчиларнинг узрли сабабларга кўра ишдан бўшаш ҳолларидан ташқари ўз хоҳишига кўра ишдан бўшашини тақиқлаш;

9) фавқулодда ҳолатлар оқибатларининг олдини олиш ва тугатиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг имкониятларидан фойдаланиш;

10) иш ташлашлар ўтказилишини тақиқлаш;

11) меҳнатга яроқли гражданларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаш учун, шунингдек меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда фавқулодда ҳолатлар оқибатларини тугатиш учун жалб этиш;

12) қурол-яроғ, кучли таъсир қилувчи химиявий ва заҳарли моддалар, шунингдек спиртли ичимликлар ва таркибида спирт бўлган моддалар билан савдо қилишни чеклаш ёки тақиқлаш;

13) карантин жорий этиш ҳамда санитария ва касалликлар тарқалишига қарши бошқа мажбурий чоралар жорий этиш;

14) кўпайтирувчи техника, шунингдек радио ва телевизион узатиш аппаратлари, аудио ва видеоёзув техникасидан фойдаланишни чеклаш ёки тақиқлаш; товуш кучайтирувчи техник воситаларни тортиб олиш; оммавий ахборот воситалари устидан назорат ўрнатиш;

15) алоқа воситаларидан фойдаланишнинг махсус қоидаларини жорий этиш;

16) транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ва уларни назорат қилиш;

17) комендантлик соатини жорий этиш;

18) вазиятни нормаллаштиришга тўсқинлик қилувчи сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар, гражданларнинг ташаббускор бирлашмалари фаолиятини тўхтатиб қўйиш;

19) ССР Иттифоқи қонунида кўзда тутилмаган гражданлар қуролли бўлинмалари ташкил этилишини ва уларнинг фаолиятини тақиқлаш;

20) гражданлар кўплаб тўпланадиган жойларда ҳужжатларни текшириш, зарур қўлларда эса гражданларда қурол борлиги тўғрисида маълумотлар бўлганида шахсан текшириш, буюмлар ва транспорт воситаларини текширувдан ўтказиш тадбирларини қўлланишлари мумкин.

5-модда. ССР Иттифоқи ёки тегишли иттифоқдош, автоном республика давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органлари фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда иш кўраётган қўйи органларнинг ҳар қандай қарорини бекор қилишга ҳақлидир.

СССР Министрлар Совети ҳамда иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советлари ёки уларнинг ижроия комитетлари фавқулодда ҳолатлар оқибатларининг олдини олиш ва уларни тугатишга оид ишларни мувофиқлаштириш учун махсус муваққат органлар тузишлари мумкин.

6-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари фавқулодда ҳолат даврида зарур бўлиб қолган ҳолларда ишчи ва хизматчиларни уларнинг розилигисиз меҳнат шартномаси билан келишиб олинмаган ишга ўтказишга ҳақлидир.

Ана шу даврда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларини сайлаб қўйиш қоидаси қўлланилмайди.

7-модда. Комендантлик соати чоғида гражданларнинг махсус берилган рухсатномалар ва уларнинг шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси бўлмаса кўчаларда ёки бошқа жамоат жойларида бўлишлари ёхуд шундай гувоҳномасиз ўз уйидан ташқарида бўлиши тақиқланади.

Ушбу қонуннинг биринчи қисмида кўзда тутилган тартиб бузилишига йўл қўйган шахслар комендантлик соати тугагунча, улардан ҳужжати бўлмаганлари эса уларнинг шахси аниқлангунча, аммо уч кеча-кундуздан ошмаган ҳолда милиция ёки ҳарбий соқчилар томонидан ушланади; ушланганлар шахсан текширувдан ўтказилиши, шунингдек уларнинг буюмлари текширилиши мумкин.

8-модда. Ушбу қонун 4-моддасининг 3, 4, 6, 10, 12-16-бандларига мувофиқ белгиланган талаблар, шунингдек 7-модданинг 1-қисмида кўзда тутилган талабларнинг бузилиши агар бундай тартиб бузишлар амалдаги қонунларга биноан жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса, минг сўмгача ҳажмда жарима тарзида маъмурий жазога ёки 15 кун муддатга қамоқ жазосига сабаб бўлади.

9-модда. Иғвогарона миш-мишлар тарқатиш, ҳуқуқ-тартиботни бузишга ундовчи ёки миллий адоватни авж олдирувчи хатти-ҳаракатлар, гражданлар ва мансабдор шахслар ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва бурчларини амалга оширишига фаол тўсқинлик қилиш, шунингдек ички ишлар органлари ходимининг, ҳарбий хизматчи, халқ дружиначисининг ёки жамоат тартибини сақлаш юзасидан хизмат вазифасини ёхуд ижтимоий бурчини бажараётган бошқа кишиларнинг қонуний фармойиши ёки талабига қасддан бўйсунмаслик ёхуд жамоат тартибини ва гражданларнинг осойишталигини бузадиган бошқа шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар ёки фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда маъмурий назорат қоидаларини бузиш минг сўмгача миқдорда жарима солишга ёки 30 кунгача муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ бузишлар тўғрисидаги ишлар юзасидан протоколлар ички ишлар органларининг шунга вакил қилинган ходимлари ёки айрим жой комендатураси томонидан тузилади.

Ушбу қонуннинг 8 ва 9-моддаларида кўзда тутилган тартиб бузишлар тўғрисидаги ишларни уч кун давомида халқ судьяси ёки ички ишлар органининг бошлиғи ёхуд унинг ўринбосарлари ёки айрим жойнинг коменданти шахсан кўриб чиқади.

(Давоми иккинчи бетда).

ОРОЛБЎЙИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ФОНДИГА

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллар саноати вазирлигига қарашли 166-қурилиш трестининг 1-бошқармасида ва 26-автобазасида бўлиб ўтган касаба союз йиғилишларининг қатнашчилари мамлакат меҳнат коллективларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига 21 апрель куни Бутуниттифоқ шанбалигини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини муҳокама қилиб, «бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз», деган қарорга келдилар.

Маълумки, ўша куни қилинган иш эвазига берилаётган пул бошланғич касаба союз ташкилотларининг ҳисобига ўтказилади. Келгусида бу маблағдан қандай фойдаланилиши чекланмайди. Маблағлар хайрия мақсадларига, кам даромадли оилаларга ёрдам беришга, соғломлаштириш ишоотларининг моддий базасини ривожлантиришга сарфланиши мумкин.

— Биз коллективга энг кўп ёрдам бериш учун маблағни қайси мақсадлар учун ишлатиш масаласини шанбаликдан кейин муҳокама қиламиз, — дейди 1-қурилиш бошқармаси касаба союз комитетининг аъзоси С. Содиқова. — Тўғри, ҳозирнинг ўзидаёқ бу маблағни аввало ишчиларни соғломлаштиришга, яъни йўлланмалар сотиб олиш учун сарфлаш тўғрисида таклиф бор. Чунки қурувчилар турли-туман касалликларга жуда кўп чалиниб турадилар: улар ёзда саратон қуёши остида, қишда қаҳратон совуқда ишлайдилар. Касаба союз комитетининг маблағи эса эҳтиёжни тўла-тўкис қондира олмайди.

21 АПРЕЛЬ — ЛЕНИНЧА ШАНБАЛИК КУНИ

Бироқ ташаббус ишчи коллективларида ёппасига қўллаб-қувватланганлигининг сабаби шундагина эмас. Ўзбекистон касаба союзлари кенгашининг президиуми шанбалик ўтказиш тўғрисидаги таклифни маъқуллаш ва қўллаб-қувватлаш билан, бирга бошланғич ташкилотларга мурожаат этиб шу куни ишлаб топилган пулнинг 10 фоизини Қорақалпоғистон касаба союзлари кенгашининг Нукус уй-жой-соцнал банкидаги 000695465-ҳисобига ўтказишни илтимос қилди.

— Шу тариқа Ўзбекистон касаба союзлари кенгаши бизнинг неча марталаб қилган илтимосларимизга жавоб берди, — дейди бунга изоҳлаб Қорақалпоғистон касаба союзлари кенгашининг секретари В. С. Ганькина. — Регионимиздаги экология вазияти яхшиланмаяпти, аҳолининг касалланиш даражаси юқори. Меҳнаткашларни соғломлаштириш учун йил сайин тобора кўпроқ маблағ керак бўлмоқда. Йўлланмалар сотиб олиш ҳам, санаторий-профилакторийлар қуриш ҳам, бошқа кўп ишлар ҳам шу жумлага киради.

Тўғри, ҳозир Ўзбекистон касаба союзлари кенгаши ҳам, биз ҳам бирон-бир кимсанинг зиммасига ишлаб топилган пулни бизнинг ҳисобимизга ўтказиш мажбуриятини юклатишга ҳаққимиз йўқ. Аммо биз яппи мададкорликка умид қиламиз, Ўзбекистон барча областларининг касаба союзлари бизнинг илтижомизга қулоқ солиб, бошига кулфат тушган халққа инсонпарварлик ва меҳр-мурувват кўрсатади, деб умид қиламиз.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

Қорақалпоғистон АССР.

МЕН ЎЗБЕКИСТОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР НОМИДАН ГАПИРАМАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Терговда Гдлян ва Иванов томонидан шафқатсиз усуллар қўлланиши туфайли бир қатор кишилар ноҳақ айбланди, бадном қилинди, юзига қора суртилди, суд бўлмай туриб газеталарда уларнинг айбдор эканликлари эълон қилинди. Ҳозир уларнинг кўпчилиги суд томонидан оқланди ва йиллаб қонунсиз сақланиб келинган қамоқдан озод этилди.

Шундай ишлар ҳам борки, бу иш бўйича айбланувчилар ва уларнинг қариндошуруғлари ва танишлари Гдляннинг калтакланиш, хотини ва болаларининг ҳибсга олиниши ҳақидаги дўқ-пўписаси натижасида ўз дўстлари, танишларидан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қамоққа тушмасликлари учун маблағ йиғиб беришга мажбур бўлдилар.

Қорақалпоғистон автоном республикасидаги «Қирққиз» колхозининг анча ёшга бориб қолган, икки марта инфарктни ўтказган раиси Абдулла Алимов қамоқхонага тушиб қолмаслик учун бутун овулдан колхозчиларнинг 422 минг сўм шахсий жамғармасини йиғиб келди. Хоразм областидан Бекконов одамлардан пул йиғиш пайтида ҳар бир кишига нотариус йўли билан тилхат расмийлаштирди. Бундай ўзбошимчалик Гдлян томонидан бутун Ўзбекистон бўйлаб содир этилди.

Характерли томони шуки, бу ўринда ҳам кишиларга ҳеч қандай ҳужжат берилган эмас. Бехосдан ўзингга савол берасан: улар совет терговчиларими ёки қароқчилар тўдасими? Мен СССР Бош прокуроридан фуқароларнинг қонунсиз тортиб олинган маблағларининг аниқ ҳисобини ва уларнинг эгаларига қайтарилишини талаб қиламан. Агар қимматбаҳо буюмлар нима қилингани, пуллар ҳам хазинага тўла топширилмагани аниқланса Гдлян ва Ивановларга қаллобликда айб қўйиб, улардан буларни тўлатиб олиш керак.

Мен тергов гуруҳи сўроқ қилган жумҳуриятнинг турли вилоятларида истиқомат қилувчи, бир-бири билан нотаниш кўпгина кишилар билан суҳбатлашдим. Уларнинг ҳаммаси сўроқлар бир хилда, қўрқитиш, дўқ-пўписа, ҳақорат, миллатга, ўзбекларга қарши гаплар айтиш, калтаклаш билан ўтганлигини айтишади. Аксарият сўроқ чоғида сиз ўзбеклар ҳаммангиз ўғрисиз, ҳаммангизни қамаш керак, деган сўзлар айтилди. Ички ишлар нозирлигининг собиқ ходими пенсионер Жаҳонгиров қуйидагича маълумот беради: 1985 йил 19 декабрда ДХК биносида Карташьян (Гдляннинг ёрдамчиларидан бири, арманистонлик терговчи) сўроқ қилди. У Ички ишлар нозирлигининг мансабдор кишиларига нисбатан кўрсатма беришга кўндиришга ҳаракат қилди. Бундай қилишдан бўйин товлаганимдан кейин мени истаганча ҳақоратлади. Бундан ташқари у уларнинг программаси Ўзбекистонда ҳаммани қамаш эканлиги ҳақида гапирди, чунки Ўзбекистонда ҳамма порахўр ва жиноятчи эмиш. Шундан кейин у бутун Ўзбекистонни тиконли сим билан ўраб ташлаш, миноларарга автомат тутган қоровуллар қўйиш керак, дейди. Халқ депутатлари нима учун бунчалик нафратланаётганимни тушунадилар деб ишонаман. Мана шуларнинг ҳаммасидан кейин ҳам Гдлян ўша газетадаги чиқишида ўзбек халқи ундан миннатдор эканлигини таъкидлай олармикин? Ҳа, ўзбек халқи аллақачон уни қарғаган. Жумҳуриятимиз ҳудудида жиноятчилик мажмуасининг миллатлараро душманликни кучайтириш учун озодликдан маҳрум этишни кўзда тутувчи Жиноят кодексининг 64-банди амал қилмоқда. Гдлян томонидан қилинган ушбу ва бошқа жиноий ҳаракатлар Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган экан, мен Бош прокурордан Гдлян ва унинг ёрдамчи ва шогирдларини судга беришни талаб қилмоқчиман. Улар қилинган ҳар бир ҳақоратга, миллий қадр-қимматни топтаганликлари, бизнинг кўплаб фуқароларимиз ноҳақ озодликдан маҳрумликда бўлган ҳар бир кун ва соати учун, оналарнинг, кексалар ва болаларнинг кўз ёшлари, майиб қилинган инсон тақдирлари учун жавоб беришлари керак.

Шу нарса эътиборни тортадики, Гдлян ва Ивановнинг «қаҳрамон» бўлиб донг чиқариш нияти, ишларининг ялпи натижасини катта қилиб кўрсатиш нияти уларни ўғирликларни анча кўламли қилиб кўрсатишга даъват этди. Мен қимматбаҳо нарсалар бўйича ўйлаб чиқарилган хаёлий 140 миллион сўмни ҳам айтиб ўтдим. Айтгандай, пахта иши бўйича келтирилган зарарнинг ҳажми ҳам бошқа «қаҳрамон» терговчилар томонидан бир неча марта ошириб кўрсатилган.

Аммо биз бир қисм сиёсий авантюрачилар ўз масалаларини бизнинг мусибатимиз ҳисобига ҳал этишларига йўл қўймаймиз.

Тергов олиб борилган ертўлаларда кишиларнинг шахси ҳақорат қилинди, улар раҳм-шафқатсиз қийноққа олинди. Сўроқ қилинаётганларга КПСС Марказий Комитети аъзолари рўйхати кўрсатилиб, уларга нисбатан туҳматлар қилишга мажбур этилди. Гдлян матбуотдаги чиқишларидан бирида ўзининг Борис Николаевич Ельцин билан бир платформада эканлиги кўриниб турганлигини айтди. Кейинчалик эса у Ельцинга қарши порахўрлиги ҳақида кўрсатмалар бера бошлади. Ельциннинг обрў-эътибори ошиб турган пайтда у Лигачевга қарши маълумотлар беришга ўтди.

Гдлян томонидан ташкил қилинган матбуот ва телевидениедаги шов-шувлар, шовқин-суронли эълонлар «ўзбеклар иши», зирҳли нимча, афсонавий суиқасдлар ҳақидаги латифалар, Гдляннинг фармойиши билан кишиларни қонунсиз ҳибсга олган, жумҳурият ҳуқуқ-тартибот органларининг бошқа регионлардан келган кўпгина ходимлар, шунингдек маҳаллий ходимларга нисбатан ҳам таъсирчан роль ўйнади. Гдлянни мақтаб кўкларга кўтариш, унинг ярамас ибрати Ўзбекистонда қонунчиликни мустаҳкамлаш учун келган тасодифий кишилар томонидан қилинаётган оммавий, бориб турган қонунсизлик учун барча имкониятларни яратиб берди. Уларнинг айби билан юзлаб кишилар қонунга хилоф равишда ҳибсга олинди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳозироқ жумҳуриятда ички ишлар нозирининг собиқ биринчи ўринбосари Дидоренко, республика прокурорининг собиқ ўринбосари Гайданов, республика прокурорининг тергов қисми собиқ бошлиғи Лаптев, Фарғона области прокурорининг собиқ биринчи ўринбосари Галкин ва бир қатор шахсларнинг номлари жумҳуриятда кўнгил хиралик билан тилга олинадиган бўлиб қолди. Маънавий бадном этилган юзлаб кишилар тақдири, оммавий равишда қонунсиз қамоққа олишлар уларнинг виждонига ҳавола. Худди ана шулар ҳам Фарғона водийсида фожиавий натижаларга олиб келган миллатлараро муносабатларда кескинлик кучайишининг заҳарли уруғини сочганлардан эдилар. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистондан жўнаб кетишди, аммо таажжубки, минглаб шикоятлар, бизнинг депутатлик сўровларимиз, халқ депутатларининг Съездидаги чиқишларига қарамай, улар ҳамон партия аъзолари саналиб келмоқдалар ва бошқа республикаларнинг ҳуқуқ-тартибот органларида масъул лавозимларни эгаллаб туришибди.

Буларнинг ҳаммасида СССР Бош прокурорининг ўринбосарлари Катусев ва Побежимовлар ҳам айблидирлар. Улар кадрлар масаласини ҳал этишда янглиш йўл тутишди. Уларнинг иккинчиси ҳозир ҳам ана шу тарзда иш олиб бормоқда. У жумҳуриятга бошқа регионлардан бажонидил, аммо мутахассис сифатида малакасиз ходимларни юборди. Побежимов Гдляннинг фикрига қўшилиб, уни ҳар томонлама рағбатлантирди, ҳалол, тажрибали ходимларни қувғин қилди. Унинг майли билан ашаддий қонунбузарлар, жиноят қилган кишиларга мукофотлар берилди. Мен ушбу одамнинг ана шундай масъулиятли лавозимга тайинланиши учун овоз берганимга афсуслана-ман. Гдлянчилик бу ҳали бернячилик, ежовчилик ҳодисалари каби бизнинг ҳуқуқ-тартибот органларимиз тарихида яна бир шармандали саҳифадир. Биз бу ҳолни кескин қоралашимиз керак ва бунинг учун 50 йил кутишимиз шарт эмас.

Мен СССР халқ депутатларини, уларнинг қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, у ёки бу сиёсий келишмовчиликлардан қатъи назар Гдлян ва Ивановга бевосита ҳуқуқий баҳо беришга чақираман.

Кўпчилигимиз учун Гдлян ва Ивановлар қилган жиноят тамомила маълум. Гдляннинг ишидан у ёки бу сиёсий мақсадларга эришишда фойдаланиш тамомила хато бўлар эди. Қилган жиноятлари учун Гдлян ва Ивановларни депутатлик ваколатидан маҳрум қилиш ҳақида таклиф киритаман.

Сўзимнинг охирида шуни айтишни истардимки, ҳар қандай жиноят Тошкентда ёки Москвадами, Краснодар ёки Еревандами содир бўлишидан қатъи назар, қўли ҳалол кишилар томонидан текширилиши керак.

Улар учун ҳам қонун талаб қилганидек, ҳуқуқий давлатнинг юксак принциплари талаб қилганидек, ҳаққоний жазо чоралари қўлланилиши керак. Халққа нисбатан қилинган жиноят, порахўрлик ва кўзбўямачиликнинг аянчли фактлари уни ким содир этганлигидан қатъи назар, қатъият билан жазоланиши лозим.

Республиканинг яшил либоси

БОҒЛАР, ТОКЗОРЛАР, ТУТЗОРЛАР, МЕВАЛИ ДАРАХТЗОРЛАР ВА БУТАЗОРЛАР БАРПО ЭТИШ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Минг тип

	топшириқ	амалда	фоиз
Қорақалпоғистон АССР	5566,1	2278,9	40,9
Андижон области	7731,6	6417,4	83,0
Бухоро области	14645,5	10722,6	73,2
Жиззах области	8878,0	5686,3	64,0
Қашқадарё области	9458,5	8484,3	89,7
Наманган области	7010,6	6245,0	89,1
Самарқанд области	7373,9	9801,8	132,9
Сурхондарё области	8843,5	11418,5	129,1
Сирдарё области	6315,2	2846,9	45,1
Тошкент области	8442,0	5401,9	64,0
Фарғона области	8502,3	10726,9	126,2
Хоразм области	7058,5	4785,5	67,8
Тошкент шаҳри	925,5	747,0	80,7
	100751,1	85563,0	84,4
Ташкилотлар			
Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети	68840,0	64993,3	94,4
«Узбеклес» ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси	11000,0	8127,7	73,9
Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги	5996,5	4172,1	60,9
Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги	4090,0	2407,8	58,9
Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги	230,0	79,5	34,6
Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	2900,0	1049,6	36,2
Агроцелинсовхоз	3390,6	865,6	25,5
Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети	38,7	324,9	839,5
Биноқорлик материаллари саноати министрлиги	42,5	15,1	35,5
Қурилиш министрлиги	20,0	1067,8	5339,0
Тошкент шаҳар ижроия комитети	850,0	686,0	80,7
Автомобиль йўллари министрлиги	722,6	213,2	29,5
Автомобиль транспорти министрлиги	325,5	87,1	26,8
Ўрта Осиё темир йўли	729,0	365,0	50,1
Соғлиқни сақлаш министрлиги	780,6	418,2	53,6
Маданият министрлиги	152,0	54,4	35,8
Алоқа министрлиги	13,7	10,3	75,2
Ўзбекбирлашув	130,0	139,5	107,3
ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими	70,5	54,4	77,2
Ўзбекэнерго	70,9	57,8	81,5
Енгил саноат министрлиги	47,6	26,1	54,8
Ўзбекгеология	52,6	6,0	19,6
Савдо министрлиги	10,5	9,0	85,7
Маҳаллий саноат министрлиги	13,5	1,1	8,1
Давлат физкультура ва спорт комитети	4,7	—	—
«Узриба» давлат-кооператив бирлашмаси	50,0	8,9	17,8
Ички ишлар министрлиги	6,4	6,0	93,8
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги	25,8	16,5	64,0
Дон маҳсулотлари министрлиги	17,0	5,9	34,7
Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси	3,0	0,8	26,7
Ўзбекгидроэнергострой	6,0	—	—
Социал таъминот министрлиги	6,3	3,5	55,6
Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси	1,1	1,2	109,1
Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети	6,8	9,2	135,3
Ўзбекистон саноат-қурилиш банки	1,3	—	—
Бошқа ташкилотлар		279,5	

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг **ҚОНУНИ**

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

10-модда. Фавқулодда ҳолат шароитида тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотнинг ишига ҳалақит бериш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади ва ўн минг сўмгача жарима ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

11-модда. Айрим ҳолларда фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини тугатиш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва гражданлар хавфсизлигини таъминлаш учун СССР Олий Совети ёки СССР Президентининг қарорига биноан СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари билан бирга СССР Қуролли Кучлари ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг ҳарбий қисмлари жалб этилиши мумкин. Ана шу қисмлар ҳарбий уставларга ҳамда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ ҳаракат қиладилар.

12-модда. Фавқулодда ҳолатлар оқибатларини тугатиш учун жалб этиладиган ҳарбий қисмларнинг ҳаракатларини ва унга раҳбарлик қилишни мувофиқлаштириш учун, шунингдек ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари билан баҳамжиҳат ҳаракатни ташкил этиш учун СССР Олий Совети ёки СССР Президентининг топшириғига биноан СССР ички ишлар министри, СССР мудофаа министри, СССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси томонидан қўшма оператив штаб ташкил этилиши ва тегишли жой (район)нинг коменданти тайинланиши мумкин.

Комендант фавқулодда ҳолат тартибини мазкур қонун доирасида сақлаб туриш масалаларини тартибга солувчи буйруқлар чиқаради.

13-модда. Фавқулодда ҳолат эълон қилинганида СССР мудофаа министри томонидан СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ табиий офатлар, катта авариялар ёки ҳалокатлар, юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган запасдаги ҳарбий ходимлар — мутахассислар икки ой муддатгача хизматга чақирилиши мумкин.

14-модда. СССР Олий судига фавқулодда ҳолат шароитида гражданлар ва жиноий ишларнинг қонунда белгиланган территориал суд қиликшини ўзгартириш ҳуқуқи берилади.

15-модда. Фавқулодда ҳолатлар чоғида ёки фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ёки тугатишга оид ишларни амалга ошириш муносабати билан азият чеккан гражданларга тегишли давлат органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан яшаш учун бино берилади, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланади, уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашилади ва бошқа зарур ёрдам берилади.

Уй-жой бериш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва бошқа зарур ёрдам бериш шартлари ва тартиби СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари томонидан белгиланади.

16-модда. Фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз вазифаларини зарур тарзда амалга оширишни таъминламаган ҳолларда СССР Президенти иттифоқдош республиканинг суверенитети ва территориал бутунлигига риоя этган тарзда муваққат президентлик идорасини жорий этиши мумкин.

Бунда давлат ҳокимияти ва бошқарув тегишли органларининг ваколатлари тўхтатиб қўйилади, улар ваколатларини амалга ошириш СССР Президенти тузадиган орган ёки тайинлайдиган мансабдор шахс зиммасига юкланади. Улар:

ушбу қонуннинг 4-моддасида кўзда тутилган тадбирларни қўлланишга;

халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ваколатларини тўхтатиб қўйиш ва уларнинг вазифаларини вақтинча ижро этишга;

давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалалари юзасидан ССР Иттифоқи, тегишли иттифоқдош, автоном республиканинг давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органларига таклифлар билан чиқишга;

тегишли жойда жойлашган ҳар қандай корхона, муассаса ва ташкилотни СССР Министрлар Совети томонидан белгилаб бериладиган тартибда бўйсундиришга ҳақлидирлар.

17-модда. СССР Ташқи ишлар министрлиги фавқулодда ҳолат эълон қилиниши, унинг узайтирилиши ва бекор этилиши тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарини дарҳол хабардор қилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 3 апрель.

СССР Олий Советининг қарори

«Фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

«Фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги СССР Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 3 апрель.

• *Ҳамкорлик чорраҳалари*

МЕҲМОНХОНА ҚУРИЛИШИДА

Икки буюк давлат СССР ва Ҳиндистон ўзаро тотув яшаб, бир-бирлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Ҳиндистоннинг «Ларсен энд тубро лимитед» фирмаси Самарқандда 500 ўринли меҳмонхона қуриб бермоқда. Объектни йилнинг охирларида фойдаланишга топшириш учун бор имкониятлар ишга солиняпти.

Суратда: (чапдан) қурилиш инженери Кусумакар Рао, қурувчилар Арун Танасундор, Еклак Хусаинлар лойиҳадаги ишларнинг боришини кўздан кечирмоқдалар.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

БАҲОР УФОРИ

Марказдан узоқ жойларда, айниқса, тоғолди зоналарида ёқилғи танқислиги туфайли кўпдан-кўп мевали дарахтлар кесилиб ёқиб юборилмоқда. Ҳукуматимиз чекка районлардаги аҳолини газ ва кўмир билан таъминлаш ишларига эътиборни кучайтириши лозим, деб ҳисоблайман. Акс ҳолда бир ёқдан боғ яратиб, иккинчи томондан уни нобуд қилавериш дан нарига ўтмаймиз.

С. АҲАДОВ,
уруш ва меҳнат ветерани, Фориш район, К. Маркс номли совхоз.

ҲИНДИСТОН САФАРИ ТУГАДИ

СССР Олий Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод А. И. Лукьянов 8 апрель куни Москвага қайтиб келди. У Ҳиндистон раҳбариятининг таклифига биноан Ҳиндистонга расмий ташриф буюрган эди.

(ТАСС).

ҲУҚУМАТ ТАКЛИФ БИЛАН ЧИҚДИ

1990 йил 6 апрель куни СССР Министрлар Совети СССР Олий Советининг иш режасига биноан «СССРда кооперация тўғрисида»ги СССР қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини унинг муҳокамасига тақдим этди.

Лойиҳада кооперативлар билан давлат корхоналари фаолиятининг тенг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини яратиш тадбирлари кўзда тутилган. Лойиҳани ишлаб чиқиш чоғида кооперативларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш хусусида гражданлардан, давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларидан тушган таклифлар эътиборга олинди. Киритилган тузатишлар яқинда қабул этилган ҳамда хўжалик юритишнинг план-бозор муносабатларига мос келадиган янги моделини шакллантириш учун асос яратадиган мулкчилик, ер, ижара ҳақидаги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилган.

Ҳукумат кооперативларни ташкил этиш тартибига аниқлик киритишни таклиф қилмоқда. Улар аҳолининг эҳтиёжларини, шунингдек ишлаб чиқаришнинг аниқ турларини ривожлантиришдаги устун соҳаларни эътиборга олиб, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳузурида махсус тузиладиган депутатлик комиссияларининг хулосалари асосида барпо этилади, деб кўзда тутилмоқда. Кооперативларни албатта давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга ўз низомларида кўзда тутилган фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар топшириш ҳақида ягона талаб жорий қилинади. Бундан ташқари уюшмалар ва бошқа кооператив бирлашмаларни рўйхатга олишни жорий этиш таклиф қилинади, бу таклиф уларнинг ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлайди.

Кооперативларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибига ҳам ўзгартишлар киритилади. Жумладан, молиявий интизом, ташқи савдо операцияларини амалга ошириш қоидалари, шунингдек кооперативнинг низоми қўпол бузилган тақдирда кооперативларнинг фаолияти тўхтатилиши мумкин. Айни вақтда кооперативларнинг ҳуқуқларига риоя этиш кафолатлари оширилади: маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг қарорлари хусусида уч ой муддат ичида судга шикоят қилиш мумкин, суд қарор қабул қилгунга қадар кооператив ўз ишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади.

Кооперативларнинг молиявий фаолиятини тартибга солиш, ҳисоб-китобларни амалга оширишга нисбатан янада аниқ талаблар белгилаб қўйиш, мавжуд маблағлардан фойдаланиш соҳасида кооперативлар билан давлат корхоналарининг ҳуқуқларидаги ўринсиз тафовутларни тугатиш белгиланди, бу тадбир пул муомаласини соғломлаштиришга ижобий таъсир қилиши лозим.

Кооперативларнинг ишидаги кўпгина камчиликлар давлат идоралари томонидан назоратнинг сустлиги билан боғлиқ эканини сўнгги йиллар тажрибаси кўрсатди. Молия ва банк назоратини кучайтириш, кооперативларнинг даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотларни декларацияларда тўғри акс эттириш учун масъулиятини ошириш таклиф этилади. Шу билан бирга кооперативларнинг оператив-хўжалик фаолиятига давлат ва кооператив идораларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

«СССРда кооперация тўғрисида»ги қонуннинг кооперативлардаги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қоидаларига аниқликлар киритиш зарурлиги ҳам кўзда тутилди.

Мана шу ва бошқа қўшимчалар кооперативлар фаолиятининг ҳуқуқий негизини такомиллаштиришга ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеи ва обрў-эътиборини оширишга қаратилган.

ГАЗЕТХОН ХАБАР ҚИЛАДИ

БИРИНЧИ МАРТА

Яқинда Киевда украин тилида биринчи марта «СССР халқлари адабиёти. Хрестоматия» китоби нашр этилди.

Умумий таълим мактаблари ўқувчилари учун мўлжалланган ушбу китобга қардош республикалар миллий адабиётларининг классик ва совет даври асарларидан энг яхши намуналар киритилган. Жумладан, украиналик ўқувчилар улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидан парчаларни ўз она тилларида ўқимоқдалар.

Хрестоматия бир юз эллик минг тиражда нашр этилди.

Д. ЕРЕМИН.

«ТАБАССУМ»НИНГ КУЛГУСИ

III Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивалида фаол қатнашаётган балиқчилик ҳаваскорлик коллективлари яна биттага кўпайди.

Яқинда райондаги маданий-спорт комплексида ёш аскиячилар клуби ташкил этилди.

Клубнинг ташкил этилиши ёшлар орасида истеъдод эгаларини аниқлаш, халқ ижодини, хусусан аскиячиликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўтказилаётган машғулотларда турли меҳнат коллективларида ишлаётган йигитлар қатнашмоқдалар. Уларнинг репертуаридан ўрин олган асарлар устоз халқ санъаткорлари анъаналари руҳида яратилган.

А. ВАҲОБОВ.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда кадрларнинг қишлоқларни ижтимоий қайта қуришни жадаллаштириш учун масъулиятини ошириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниетуллаев доклад қилди.

Пленум иштирокчилари КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари якунларини ҳамда КПСС XXVIII съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига, область партия конференциясига тайёргарлик юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Коммунистларнинг бўлажак республика ва Бутуниттифоқ анжуманларига делегатлар сайлаш тартиби тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

Мерос

МЕНИНГ ТАКЛИФИМ

Асримизнинг ўнинчи йилларида Туркистон ижтимоий ҳаётида бир уйғониш сезилди. Чор ҳукумати зулми ҳур фикрли туркистонликлар олдида тўсиқ бўлолмади. Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон каби турли авлодга мансуб кишилар бир ғоя учун — миллатни уйғотиш учун бел боғладилар. Уларни мунаввварлар, зиёлилар ёки ойдинлилар деб аташарди. Умумлаштириб айтганда, улар маърифатпарвар эдилар.

Буюк шоир Чўлпон ўзининг гўзал шеърларини қўйтириб, ёш қўшиқчи қиз ҳақида ташвиқий мақола ёзишдан ор қилмади. Фитрат мусиқа санъати, адабиёт тарихи, ижтимоий психология, деҳқонлар ҳаётига оид мақолалар битди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз ҳисобидан мактаблар очди, ўзи дарс берди, биринчи саҳна асарларини ёзди.

Афсуски, биз кейинги 50 йилда маърифат тушунчасини унута бордик. Биз маърифатни арзон мафкурага, халқдан узоқ улкуга (идеал) алмаштирдик. Қайта қуриш бизни яна ўша шаффоф булоқларга мурожаат этишга ундамоқда. Биз маърифатчи аждодларимизнинг тоза номларини тиклаяпмиз, уларнинг орзу-армонлари бизнинг ҳам ўй-хаёлимизга айланмоқда. Халқимизнинг бой мероси дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган меросдир. Ўтмишимиз фақат урушлардан эмас, балки юксак маданият ва сиёсатдан ҳам сабоқ беришга қодир.

Бугун жумҳурият Марказқўмида «Мерос» ишчи комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Унинг режалари катта. Бизнинг Ёзувчилар уюшмамизнинг ҳам бу борада ўз таклифлари бор. Улардан бири яқин кунларда жумҳуриятнинг« Тил ва тарих маркази»ни тузишдир. Бўлажак марказ тил ва тарихимизнинг ноёб дурдоналарини халқ ўртасида ташвиқ қилади ва шу кунгача босилмай ётган қўлёзмаларни чоп этади.

Марказ моҳияти билан, туркологик марказ бўлажак. Туркология соҳасида фаолият кўрсатаётган идоралар Ленинградда, Америкада, Туркияда ва ҳатто Ғарбий Германияда ҳам мавжуд. Аммо Ўзбекистонда, туркий элатларнинг марказида йўқ эди.

«Тил ва тарих маркази» тузилса, йиллар давомида орқага сурилиб келинган маърифий вазифаларни амалга ошириш мумкин бўлади. Марказнинг икки ойда бир марта чиқадиган мажмуаси ҳам режалаштирилмоқда. Унда туркология соҳасида, тарих ва маданият жабҳасидаги янгиликлар ва шу билан бирга тилшуносликдаги янги қарашлар эълон этилади.

Муҳаммад СОЛИҲ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, шоир.

ҚОШҒАРИЙ НОМИДА БЎЛСА

Ҳозирда ўзбек тилидан ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг фойдаланиш чора ва тадбирлари кўрилмоқда. Шуни унутмаслик керакки, давлат тили вазифасини бажарувчи тил — бу ўзбек адабий тилидир. Адабий тил эса кишилар эътиборига, ғамхўрлигига доимо муҳтождир. Бундай ғамхўрлик, биринчи навбатда, адабий тилга — унинг нормалари талабларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, тилнинг алфавити, имловий қоидаларини луғат бойлиги, грамматикаси ва услубияти ҳақидаги илмий таълимотни доимо такомиллаштириб боришда кўринади.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва буни илмий жиҳатдан асослашда тилшуносларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Ўзбек тилшунослари олдида кўпгина масъулиятли ишлар турганги ҳам аниқ. Тилшунослардан кўпроқ ва яхшироқ тадқиқотларни талаб қилишга ҳақлимиз. Уларнинг ишларида учрайдиган баъзи нуқсонлар, фаолиятларидаги сусткашликларни танқид қилиш ҳам ўринлидир.

Шу билан бирга тилшунослик фани ва тилшунослар ҳам маълум эътибор ва ғамхўрликка муҳтож эканини унутмайлик. Кейинги пайтда тилга эътиборнинг кучайиши муносабати билан тилшуносларнинг ишлари ҳам бироз юришиб қолди. Матбуотда уларга ўрин беришадиган, уларнинг дардини у ёки бу ерда тинглашадиган бўлишди. Лекин булар мутлақо етарли эмас. Бизнинг назаримизда, тилшуносларнинг мураккаб, заҳматли меҳнатини жумҳурият кўламида эъзозлаш ва тақдирлаш чораларини кўриш лозим. Мана шу мақсадда биз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг янгидан ташкил қилинаётган тилшунослик институтига Маҳмуд Қошғарий номини беришни ва тилшунослик соҳасида яратиладиган энг яхши тадқиқот ишлари ва ўқув қўлланмаларини рағбатлантириб бориш учун Маҳмуд Қошғарий номидаги Жумҳурият давлат мукофоти таъсис этишни таклиф қиламиз.

Маҳмуд Қошғарий барча туркий халқлар, жумладан ўзбек халқининг қонуний фарзандидир. У XI асрда яратилган «Девону луғатит турк» («Туркий сўзлар девони») асари билан дунёга машҳурдир. Унинг номи ўзбек халқи учун улуғ алломаларимиз: Беруний, Хоразмий, ибн Сино, Улуғбек номи каби мўътабар ва у юқоридаги каби эъзозга тўла лойиқдир

Таклифимиз амалга ошадиган бўлса, бу ўзбек тилшунослиги ва тилшунослари қаётида унутилмас воқеа бўлиши аниқ Бу эса, ўз навбатида, ўзбек тилшуносларини давлатимизнинг мана шу эъзозига, ҳурмат ва эътиборга доимий муносиб бўлишга чорлайди.

Э. БЕГМАТОВ,
филология фанлари доктори.

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН

Шаҳрисабз ўзининг Оқсаройи, Гумбази Сайидон, Дорруссаодат (Жаҳонгир) мақбаралари, Кўкгумбаз масжиди, Чорсу савдо растаси билан мамлакатимиздагина эмас, балки, бутун дунёда маълум ва машҳур. Ана шу қадимий тарихий ва маданий ёдгорликларни, кўркам шаҳарни кўргани ҳар йили бу ерга юзлаб, минглаб саёҳатчилар, туристлар келишади. Шу боисдан ҳам шаҳарда обидаларни таъмирлаш ишлари мунтазам олиб бориляпти. Бу ерда айни вақтда замонавий маданият саройлари ҳам қад кўтаряпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Таъмирловчи Баҳодир Қурбонов. 2. Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз.

Суратларни В. МОЛГАЧЕВ олган.



Кўҳна Хиванинг бугунги манзараси

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.



• *Газетхон муаммо қўяди*

Нур устига аъло нур

Турғунлик йилларида кўпгина соҳаларда чалкашликларга йўл қўйилди. Бу кўчаларни номлашда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Шаҳар ва район маъмурлари аҳоли билан маслаҳатлашмай ўз билгиларича номлайвердилар. Биргина Киров ноҳиямиз Янгиариқ маҳалласи атрофидаги кўчаларнинг номлари билан танишинг: Макаров, Агишев, Релиев, Тазеддинов, Барнаул, Батуми, Киев...

Тўғри, машҳур футболчиларни севамиз, лекин уларнинг номларини ўзи туғилиб ўсган ёки янги кўчаларга қўйганимиз яхши эмасми? Шунда кўчамиз номини муқаддас сақлашдек меросга муносабатимиз йўлга қўйиларди-ку! Шу ўринда маҳалламизда яшаб истиқомат қилган Ойбек, Собир Абдулла, бастакор Саиджон Калонов, олима Зарифа Саидносирова номларини қўйсак яхши эди.

Яна бир муаммо. Тазеддинов кўчасида Ойбек уй-музейи жойлашган. Ёзувчи билан ёнма-ён яшаган Миртемир, Собир Абдулла, Акмал Пўлатларнинг ҳам уй-музейлари ташкил этилса нур устига аъло нур бўларди.

А. НАБИХУЖАЕВ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими.

САМАРҚАНДНИНГ МАЛҲАМИ ҚАЙДА?

Қуёшдай таниқли, осмондай мафтункор, заминдай табаррук бу юрт қалбини қандай дард қоплади?

Самарқанд — бутун ўзбек халқининг, Ўрта Осиёнинг, шўролар элининг фахр-ифтихори. Дунёвий бу шаҳарни нега қаровсиз ташлаб қўйдик? Самарқанднинг дарди, фожеаси учун ким жавоб беради, ким? Унинг дардига ким малҳам бўлади, ким?!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби И. А. КАРИМОВнинг Самарқанд область партия комитети пленумида сўзлаган нутқидан.

Самарқанд. Бу сўз қатида буюк арбоблар, фозилу-фузаллоҳлар, мусиқагарлар, меъмору ишқи ёрлар номи мужассам. Юлдузшуносликнинг илк мударрислари Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румийларгача э-ҳе бу замин қанча-қанча улуғларнинг бешигини тебратган... Улуғ шоир Ғафур Ғулом битганидек:

Ишқу вафоларнинг
«Ҳамса»син ёзган
Жомий, Навоийнинг
асрий индоси
Ҳали гумбазлардан
ғўнғирлаб келур
Олимлар баҳсининг
акси садоси.

Самарқанд. Айни пайтда бу сўз бардош, матонат, баҳодирлик рамзи ҳамдир. Искандарнинг қиличини синдирган шу юрт. Қутайбанинг мужтақид қадамига чўғ бўлиб санчилган шу юрт. Чингизнинг қон оққан панжаларини қайирган шу юрт. Ҳа, сиз-бизнинг, ўзбекларнинг, тожикларнинг, эрониларнинг бобокалонлари яшаган шу юрт. «Манглайида бир ажин касб этолгунча, минглаб жафоларни кечирди» бу юрт!

Бизга ана шундай юрт, муқаддас юрт мерос қолган. Бугун «Авесто» битикларига қулоқ тутсак, Беҳистун ёзувларини ўқисак, Афросиёбда сайр қилсак, Мадрасаи хонимга тикилиб лол қолсак, Регистонда бағримиз фахрга йўғрилса, ҳамма-ҳаммаси учун буюк аждодларга сажда қилмоғимиз шарт. Ва яна биламизки, бу мерос бизга «еб юбориш», «йўқ қилиш», «сотиб тамомлаш», «хароббозор айлаш» учун эмас, балки авайлаб-асраш, невараю-эвараларга эсон-омон топшириш, кошинига гард юқтирмаслик, муқарнасларига соя туширмаслик, ирғоғига нам етказмаслик, обрўйига обрў қўшиш учун қолган. Хўш, боболар, оталарнинг бу васиятини қандай қабул айладик, қандай бажармоқдамиз?

Биз гидрогеологлар билан биргаликда текширув ўтказдик. Самарқанд обидалари ғуж бўлган Сиёб районида ер ости сувлари ҳар саккиз йилда бир ярим метр атрофида кўтарилаётган экан. Бу аҳвол давом этса, 2020 йилларда обидалар остига сув келади. Фожианинг олдини олишимиз кераклиги хусусида Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига икки-уч йилдан буён мурожаат қиламиз. На садо бор, на саройнш!

Даврон ЖЎРАЕВ,
музей-қўриқхона директорининг таъмирлаш масалалари бўйича муовини.

Бу фожиаи аввал. Фожиан сонийлар эса яна ҳам мудҳишроқ. Келинг, бир бошдан таҳлил қилиб кўрайлик. Нега бундай бўлди? Ер ости сувлари нега кўтарилмоқда? Бу саволларнинг аниқ ва оддий жавоблари бор. Самарқанд шаҳар ижрокоми раиси Мустафоқул Ғаниевнинг айтишича, шаҳарнинг асосий қисмида канализация йўқ, биласизми, ҳар бир мадрасанинг, ёдгорликнинг ўз бадрафтори бўлган. Ер ости ариқлари сув ўтказмайдиган ғиштлар билан ишланган. Бари бузилиб кетди. Энди канализация йўқлиги учун икки юз минг аҳоли яшайдиган жойда сув ер остига сингаяпти. Ариқлар-чи, дерсиз. Таассуфки, йиллар давомида сув иншоотлари ишдан чиқди. Шаҳарда 514 километрли ариқ мавжуд бўлса, шунинг ярмидан кўпининг на боши, на охири бор. Улар қишда кўлмак, ёзда эҳлатхона ўрнини босмоқда.

— Районда шошилинч тадбирлар кўриш ҳақида юқори ташкилотларни қайта-қайта хабардор қилаяпмиз. Аммо натижа йўқ, — дейди Сиёб район партия комитетининг биринчи котиби Фаррух Ҳошимов. — Ахир, 84 фоиз жойни канализациялаштириш осон ишми? Бир қанча маблағ талаб қилади? Ваҳолонки, маблағ тақсимотида Сиёб райони бошқа ноҳияларга нисбатан камроқ бюджетга эга бўлаётир. Умуман, экология ташвишли ҳолда. Яқинда Шаар ариғи соҳили бўйлаб ўтдим. 118 та уй ана шу ариқ соҳилида. Ишонасизми, ҳатто айримлари ҳожатхонанинг чиқиш жойини ариққа буриб қўйишган.

Гап авзойи экологияга келиб тақалганидан ҳам биринчи мақолада шу хусусда сўз боришини англаб олган бўлсангиз керак. Чунки, атроф-муҳитга етказган, етказаётган таъсиримиз на фақат ўзимизга, балки обидаларга ҳам зиён етказмоқда-да.

Энг аввало Самарқанд химия заводи ҳақида тўхталиш жоиздир. Асрлар давомида табиати билан ҳам дилларни ром айлаган юртда бу заводни қуриш кимнинг ҳаёлига келди экан? Ўша одам Маҳмуд ибн Валининг мана бу сўзларидан бохабар эдими? «Самарқанд — тўлин ой, дарёси само қасрининг наҳри, далалари — юлдузли осмон». Ахир, химия заводи ана шу тўлин ой юзига қора парда тортди. Само қасрининг наҳрига заҳри қотил оқизди, юлдузли осмонга сариқ тутун сочди. Яқинда, сентябрь ойида шаҳар Совети сессиясида бу завод йилига 6,5 минг тонна заҳар сочаётгани очиқ-ойдин айтилди. «Красний двигатель», «Теплокоммунэнерго», чинни заводи, нефть маҳсулотлари бирлашмаси ҳам ҳавони булғаётгани сир эмас.

Улкан фожиани ифодалайдиган зарра воқеа: 86-77 СНМ номерли «ЗИЛ» автомашинаси катта тезликда Регистон обидалари ичига кириб келди. Мадрасалар ҳовлисига машина кириши тақиқланган. Сайёҳлар тўрт тарафга қочишди. Машина тез келиб, тез тўхтади. Табиийки, диққатимизни тортди. Нима гап экан, десак, шу ерни қўриқлайдиган милиционер Истамбой Меликов (ҳужжатининг номери 2156) обидалар таъмири учун келтирилган қурилиш материалларидан, яъни бир-икки қоп цемент ортиб кетмоқчи экан. Юкловчи Ҳамроқул Ҳайитов, шофер Давлат Ҳакимов ҳам осмондан тушган эмас. Шу шаҳарнинг одамлари. Аммо уларга шаҳар шуҳрати эмас, ўғирлик ва бебурдлик керак. Ҳа, бебурдлик туфайли шаҳарни мушкул аҳволга туширдик.

Самарқандликман, деб мағрурланиш кишига кибордан бўлак ҳеч нарса бермайди. Аксинча миллатни, Ватанни севган кишилар унинг номини байроқ қилиб югуришмайди, унинг умрига умр қўшишади. Ахир, қанча бебурд раҳбарлар ва шоферлар айби билан Самарқанд ҳавосининг 70 фоизи булғаётгани сир эмас-ку! Умуман ҳаво ифлосланиши туфайли озмунча зарар кўряпмизми? Биргина иқтисодий зиён 42 миллион сўмдан ошмоқда. Ҳаво ифлосланишидан озор чеккан кишиларни айтмайсизми? Бу «касофат» шаҳарнинг ҳар бир кишиси учун 1989 йилнинг саккиз ойида 80 сўм зиён келтирди. Ваҳолонки, ҳар бир кишининг соғлиғини мустаҳкамлашга шаҳар бюджетидан йилига 50 сўм ажратилади. Демак, болалар саломатлигини асраш, одамлар соғлиғини мустаҳкамлаш борасида яқин орада нажот йўқ. Нима қилиш керак? Шаҳар Совети сессияси аҳволни жиддий муҳокама қилди ва келгуси йилдан бошлаб корхоналардан жарима ундириш ҳақида қарор қабул этди. Мана, сизга муносабат! Ахир, жарима билан иш битадими? Пул билан саломатликни асраш мушкул. Обидаларни сақлаш қийин. Хўш, нима қилиш керак? Бу саволга Самарқанд давлат бирлашган тарихий-архитектура ва бадиий музей қўриқхонаси бош директори Ҳожиқул ака Худойқулов аниқ ва пухта жавоб беради:

— Самарқанд музей-қўриқхона деб эълон қилинган экан, шунга риоя қилиш зарур. Биринчидан, шаҳар ичида юк машиналари қатновини тақиқлаш, ҳа бутунлай тақиқлаш керак. Иккинчидан, фойдасидан зиёни кўп бўлаётган корхоналарни ё ёпиш, ё кўчириш зарур. Учинчидан Самарқанд шаҳри ариқларини шошилинч тиклаш ёки Даргом ариғини шаҳар ичидан ўтказиш чорасини кўриш даркор.

Самарқанд йўллари, озодалик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шаҳарда тўққиз юздан зиёд каттагина кўча бўлиб, унинг 40 фоизи асфальтланган, холос. 25 фоизига шағал ётқизилган. Қайси бир кўчадан ўтманг, кўзингиз ахлатхонага тушади. Ҳатто мадраслар, мақбаралар атрофини тозалайдиган идора, одам қолмади.

Масалан, Самарқанд шаҳар партия комитети биринчи котиби Носир Ёқубов ҳар учала районда ҳам биринчи секретарь бўлиб ишлади. Аммо ва на Сиёб, на Боғишамол ва на Темирйўл районларида кўзга кўринарли иш амалга оширилмади. Афсуски, фақат у эмас, шаҳарнинг бошқа раҳбарлари ҳам принципиаллик қилмаяптилар. Муросасозлик эса ташвишли натижаларга олиб келяпти.

Самарқанд лифтсозлик заводи ишчиси, ҳозир СССР халқ депутати Абурашид Мелиев 1988 йил 25 ноябрь куни шаҳар партия конференциясида Самарқанддаги мушкул вазиятни очиқ-ойдин айтган эди. Афсуски, унинг сўзлари қоғозда қолди. Йил бошида шаҳар партия комитетида экология масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарь маъруза қилди. Ваҳолонки, бошқа масала бўлганда эди, албатта, биринчи секретарь доклад қиларди. Пленумда сўзга чиққан 2531-автокорхона шофёри И. Ризаев шаҳар ҳавоси нега ифлосланаётганини жуда аниқ мисоллар билан асослади. Лекин яна эътиборсизлик устун келди.

Мен Самарқанд обидалари, умуман Самарқанд равнақи шаҳар партия комитетини қизиқтирдимикан, деган мақсадда унинг пленумлари, бюро мажлислари ҳужжатлари билан танишиб чиқдим. Икки йиллик ҳужжатлар қатидан совуққонлик, бепарволик нафаси уфуриб турибди. Нафақат, бу хусусда, балки бошқа масалаларда ҳам ана шу руҳ ҳукмронлигига кейинги мақолаларда батафсил тўхталамиз.

Ҳозир эса бошқа бир эътиборсизлик ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Самарқандда ҳато қурилишлар кўпайиб кетди. Кўксарой ўрнида опера ва балет театри, область ижроия комитети биноларн қурилган. Кўксарой омборхонасини бир кечада бузиб юборибд, ижроком гаражини қуришди. «Юбилейний» ресторани», «Самарқанд» универмаги қурилишлари ҳам вахший муносабатнинг «маҳсулларн»дир. Ана шундай аҳвол бугун ҳам давом этмоқда.

Майсара НАБИРАЕВА,
музей-қўриқхона бош архитекторн.

Бирлашган тарихий-архитектура ва бадиий музей-қўриқхонаси Самарқанд обидалари учун жавобгар. Аммо унинг ҳуқуқлари поймол этилмоқда. Ҳеч ким унинг хулосалари, жар солиши билан ҳисоблашмаётир. Шаҳарда истаган савдо ходими истаган жойида қурилиш қилиши мумкин. Тошкент кўчаси бунга мисол. Қайси магазин ёки дўкон лойиҳа асосида қайта қурилди? Унинг лойиҳасини ким тайёрлади? Музей-қўриқхона ходимлари бундан бехабар. Улар Бибихоним масжидини ёпиб қўядиган уч қаватли магазин қурилишини тўхтатиш учун неча йилдан буён жар солишади. Ниҳоят, яқинда қурилиш битай, деб қолганда уларнинг садоларини эшитадиган киши топилди. Лекин қадимий кўча файзини йўқотди, Бибихоним масжиди атрофи магазинлар билан қуршаб олинди. Мана, сизга экология!

— Ўтган йили масжид яқинида водопровод қувури ёрилди, — дейди кекса таъмирловчи М. Қамаров. — Тузатадиган одам йўқ. Масчитнинг бир томони чўка бошлади. Кўп югур-югурдан кейин келиб тузатишди. Ахир ана шу қувурни ўтказганда ҳеч ким билан маслаҳат қилмасдан, тарихий жойлар қазиб ташлангандда. Ваҳолонки, обидаларни муҳофаза қиладиган қонун бор!

Мана мисол: Боғишамол районида «Заргартепа» тарихий жойи бузиб юборилгани ҳақида ички ишлар бўлимига 1987 йил 24 мартда мурожаат қилинган (№ 1-42), Кўк масжид, Шайх Ислом масжид бузиб юборилаётгани ҳақида 1986 йил 24 декабрда Сиёб район ички ишлар бўлимига тақдимнома етказилган. Йиллар ўтиб кетди. Ҳалигача айбдорларга чора кўрилган эмас.

Самарқандда вужудга келган вазият ҳақида область «Ленин йўли» газетаси кўп ёзди. Аммо унинг чиқишлари ҳам шаҳар раҳбарлари юрагини эритмайди, уларнинг бепарволиклари устун келди. Ҳозир Кўксарой ўрнида чет эллик сайёҳлар учун меҳмонхона қурилмоқда. Бу жамоатчилик ғазабини оширди. «Ленин йўли» область газетаси саҳифа эълон қилди. Лекин қурилиш давом этаверди. Энди уни тўхтатиш мушкул. Аммо ким унга рухсат берганди?

Хуллас, бугун Самарқанд учун, унинг тақдири учун ким жавоб беради? Биринчи галда музей-қўриқхона. Ҳар бир ҳаракат, ҳар бир иш унинг рухсати билан амалга ошмоғи зарур. Нега шаҳар ижроия комитети раисининг архитектура ва ёдгорликлар муҳофазаси, таъмири бўйича ўринбосари лавозимини ташкил этиш мумкин эмас? Нега шаҳар ободонлаштириш бошқармасидан фаррошларни маҳаллалар ихтиёрига ўтказишнинг иложи йўқ? Нега шаҳар ижроия комитети обидалар таъмири учун маблағ ажратишни бюджетга қўшиши мумкин эмас? Ахир жуда кўп қадимий шаҳарларда ижроком таъмир учун пул ажратади? Нега Самарқандда мумкин олиб эмас?

Самарқанднинг машҳур «Сиёб» бозори нега магазин бозорига айланди? Нега Самарқанд обидаларини таъмирлаш хавф остида? Нега?

Жаҳонгир МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• 15 апрель—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига қайта сайловлар куни

Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида сайлов кампанияси қизғин давом этаяпти. Гарчанд депутатлар сайланган, улар дастлабки имтиҳондан ўтган, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сессияларида муҳим қарорлар қабул қилинган бўлсада, сайловлар билан боғлиқ ишлар ниҳоясига етгани йўқ. Бугунги кунда кенг ошкоралик ва демократик ҳуқуқлар кенгайганлиги номзодлар танлаш жараёнида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

КИМГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛАДИ?

Журналист Ўрол Ўтаевнинг асли болалик ва ўсмирлик йиллари Чироқчи ноҳиясида ўтган. Чироқчи ташвиши —унинг ташвиши. Камтар ижодкорнинг 231-округдан жумҳурият халқ депутатлигига номзоди қўйилиши боиси ҳам шу бўлса керак.

Номзоднинг Ҳаракат дастуридан Чироқчида кўпдан бери ечилмай келаётган ижтимоий муаммолар ўрин олган. Жумладан колхоз ва совхозларда ҳар йили етиштириладиган деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва бекор аҳолини иш билан таъминлаш учун тўқимачилик комбинати, консерва заводи филиаллари, тикув фабрикалари, маҳаллий саноат цехлари, гилам тўқиш корхонаси, ғишт заводи барпо этиш лозим.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, хонадонларни газлаштириш, мактаб ва болалар боқчалари қурилишини тезлаштириш масалалари ҳам халқ номзоди Ўрол Ўтаевнинг дастуридан жой олганлиги бежиз эмас.

У телевидение адабий драматик кўрсатувлар редакциясида бош муҳаррир бўлиб ишлаган даврда «Илҳом», «Ёзувчи ва замон», «Ижод гулшани», «Бир асар тарихи», каби туркум кўрсатувлар ташкил этди. «Навоий», «Гирдоб», «Абадият қонуни», «Олмос камар», «Оқ кема», «Медея» сингари кўплаб видеофильмларга муҳаррирлик қилди.

Ўрол Ўтаев бош муҳаррир сифатида мусиқали кўрсатувлар редакцияси коллективининг жипслиги, ижодий изланиши, руҳий кайфиятини яхшилаётир. У ташкил этаётган ранг-баранг мусиқавий кўрсатувлар халқимизга эстетик завқ бағишламоқда.

...Чироқчи ремонт ишлаб чиқариш корхонаси директори Ҳамид Раҳматиллаев ҳам элда ҳурмат топган ишчилардан бири. У Тошкент политехника институтини имтиёзли диплом билан битириб келгандан сўнг ишни оддий механикликдан бошлади.

Ҳ. Раҳматиллаев қайси лавозимда ишламасин меҳнатда ўрнак кўрсатди. Ишлаб чиқаришда техника тараққиётини таъминлашга асосий эътиборни қаратди. Корхонада барча турдаги техникани ремонт қила оладиган база яратди.

Шунингдек у халқ таълимини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш ва экологик муҳитни яхшилашга доир одамларнинг орзу умидларини рўёбга чиқаришни мўлжалламоқда.

Номзодлардан бири Янгибой Жўраев Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У оддий ишчиликдан бош бухгалтерлик даражасига кўтарилган, оилада яхши ота. Вояга етган 9 фарзанди кўпчилиги эндиликда халқ хўжалигининг турли тармоқларида баракали тер тўкмоқда.

Янгибой ака райондаги «Москва» совхози ветеранлар кенгаши раиси сифатида эл-юрт ободончилиги учун тинмай жон куйдириб елиб-югурмоқда. Унинг қишлоқларни газлаштириш, жисмоний тарбия ишларини тубдан қайта қуриш ва янги стадионлар барпо этиш ҳақидаги Ҳаракат дастуридан ўрин олган.

...Эшдавлат Усанов Тошкент халқ хўжалиги институтини битириб келгач, озроқ вақт Қарши қишлоқ хўжалик техникумида ўқитувчилик қилди. Кейин «Каршистрой» бирлашмасининг 11-механизациялашган ишлар бошқармасида иқтисодчи-инженер, Чироқчи ноҳияси Қишлоқ хўжалик техникаси бирлашмаси бош бухгалтери вазифаларида ишлади. Коммунист Э. Усанов район пахта тозалаш заводи директори сифатида иқтисодиётни янада тараққий эттириш йўл-йўриқларини излаб топмоқда. Шулардан бири Чироқчи ноҳиясига темир йўл келтиришдан иборат. Агар бу ният муваффақиятли амалга оширилса, халқ хўжалик юкларини ташишга сарфланаётган миллион-миллион сўм маблағлар тежалиб, халқ фаровонлигига сарфланарди.

195-автокорхона директори Эгам Шерматов йўловчиларнинг узоқ йўлини яқин, оғирини енгил қиляпти. Сайловчилар 231-округдан унинг номзодини маъқуллар эканлар, қишлоқ меҳнаткашларига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашни наказ қилиб қолдирмоқдалар.

Номзодлар орасида область автомобиль йўлларини қуриш бошқармаси бошлиғи Ғафур Қодиров ҳам бор. Кўприк қурилиш участкасида оддий мастерликдан вилоятдаги нуфузли ташкилотга раҳбарликка кўтарилган.

У область Совети депутатлигига ҳам сайланган. Шаҳар ва қишлоқларда, йўл қурилишларида ечимини кутаётган кўплаб муаммолар бор. Бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда халқ депутатлигига номзод куч-ғайратини аямайди деб ишонамиз.

Журналист Жўра Боймиров 1956 йили Самарқанд Давлат университети филология факультетини тугатгач, беш йил Чироқчидаги Крупская номли мактабда ўқитувчилик қилди. Унинг кейинги меҳнат фаолияти газета иши билан боғлиқ. «Олға» газетаси редакциясида турли лавозимларда ишлаб келмоқда. Жўра Боймировнинг ноҳия ва вилоят газеталари саҳифаларида ёритилган мақолаларида халқ фаровонлигини ошириш, демократия тантанаси учун кураш, ошкораликка эришиш, маданий ва социал масалалар кенг қамраб олинмоқда.

...Мана, биз 231-Чироқчи сайлов округидамиз. Бир ўринда рўйхатга олинган номзодлар ҳақида қисқача тўхталдик. Улар ҳозир ўзаро беллашув давомида сайловчилар билан учрашиб Ҳаракат дастурларини баён қилмоқдалар. Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, халқ депутатлиги имтиёз эмас, бу катта ишонч, сайловчиларнинг оғирини енгиллаштишни зиммага олишдан иборат. Хўш, номзодлар шунга қодирми? Бу ўринда биз номзодларнинг бирини улуғлаб, иккинчисини камситмоқчи эмасмиз. Улардан қайси бири эл ишончига сазовор бўлади? Бунда сайловчилар олий ҳакам.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

* * *

Ўн йиллар муқаддам Тошкентда талабалар шаҳрида таҳсил олган ва истиқомат қилганлар Исмат Хушевни яхши билишади. Унинг журналистикани севиши, адабиётни қадрлаши, кишига ғамхўр ва меҳрибонлиги ўшандаёқ аниқ эди бизга.

Жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан келган, дорилфунунда ўқиш ишқи билан ёнган биз йигит-қизлар кириш имтиҳонларини ажиб бир ҳаяжон билан кутардик. Бу улкан илмий даргоҳ ва муаллимларнинг салобатиданми билганларимизни ҳам очиқ-ойдин айтолмай каловланардик.

Бир кун қизиқ бўлди. Исмат имтиҳон билетига жавоб берди-да, шеър ҳам ўқиди. Жавобини якунлагач ўқитувчи ҳали баҳо қўйиб улгурмай унинг қўлини ушлаб, «нега ёмон қараяпсиз?. Неча баҳо қўймоқчисиз? Мен журналист бўлишим керак!» — деб ҳаяжонини босолмай қолди. Кейин билсак имтиҳон олувчи профессор Норбой Худойберганов экан...

Ҳуллас, у факультетнинг сиртқи бўлимига қабул қилинди. Ҳеч кутилмаганда бу жиккак йигит ўзининг «тили узунлиги» билан бошқалардан ўзиб кетди. Сиртқи бўлим тингловчиси кейинроқ кечки, сўнг кундузги бўлимга ўтказилди. Юқори курсларни эса Москвада—Ломоносов номидаги дорилфунунда ўқиди. Бу билан у икки йил йўқотди. Аммо, ўз орзуси йўлидаги сайи ҳаракатларидан зарра афсусланмади.

Студентлик йиллари қуш каби хотира боғрига учиб кетди. У Москвадан ўша мўътабар даргоҳ дипломини олиб Қашқадарёга келди. Қарши Давлат педагогика институти комсомол қўмитаси саркотиби сифатида ёшлар фаолиятига бош-қош бўлди. Қўлида ўткир қалами, қалбида инсонга хизмат қилишдек пок нияти уни Тошкентга етаклади. Жумҳуриятдаги ягона хотин-қизлар нашри «Саодат»га келди. Журналда ишлар экан, келаётган хат ва шикоятларни ўқиб, ижтимоий адолат қонунлари нега ҳануз поймол этилаётганига ачинарди.

Ўша, 1987 йили ишга келган дамларининг иккинчи ҳафтасидаёқ «Паркентдан келган мактуб»ларни текшириш учун сафарга отланди. Материал тайёрланди ҳам. Бироқ уни эълон қилиш осон кечмади. Ниҳоят, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашувидан сўнг юқоридаги сарлавҳа билан «Саодат»нинг 7-сонида фельетон босилди. Қани энди, бирданига ҳақиқат қарор топиши учун ҳаракат бошланса, айбдорлар жазоланса... Йўқ, ундай бўлмади. Аксинча журналистнинг тақдирига тўраларга муносабатда бўлишди. Уни ишдан бўшатиб, таъқиб этишди...

Ўшанда иш юзасидан Тошкентда бўлдим. У ярим йилдан бери ишсиз юрар, келажаги билан ҳеч ким қизиқмасди. Ижарага турган уйидаги ижодхонасида бўлажак мақолаларнинг қораламалари билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ раҳбарига ёзган хати нусҳалари уюлиб ётарди. Кейинчалик у «Советская культура» газетасига мурожаат этди. 1987 йил 23 июль сонида газета махсус мухбирлари В. Долганов ва В. Ниёзматовларнинг Исматни ҳимоя қилиб ёзган «Ўзимизникилар» орасидаги бегона» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди.

Ниҳоят адолат қарор топди. Исмат Хушев жумҳуриятдаги баобрў нашрларнинг бири — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг мухбири сифатида иш бошлади. У бу гўшада илҳом билан меҳнат қилди. Бирин-кетин «Номус ўғрилари», «Иффат кераки?», «Ижодкорга ҳурмат шуми?», «Маҳкумалар», «Қўлингиз пок, кўнглингиз оқми?», «Прокурорни қандай қўлга туширишди?», «Чақалоқ ўғилмиди?» номли мақолалари пайдо бўлди.

Умуман И. Хушев қаерда ишламасин, нима ёзмасин ўзининг муросасиз, курашчан характерини намоён этди. Ҳақиқат қарор топиши учун бир жойда «ёққан олови»нинг тутуни босилмай, бошқа ёқда адолат учқунини сачратди, аланга-латди.

И. Хушевнинг иқтидори тўғри баҳоланди. Яқинда у «Ҳаёт ва иқтисод», «Экономика и жизнь» номли журнали раҳбарлигига тавсия этилди. Ўйлаймизки, у бу вазифада яна сидқидилдан хизмат қилади. Ҳозир Хушев янги нашр ишларини йўлга қўйиш учун, элимизнинг иқтисодиётини бир қадар кўтариш учун елиб-югуряпти.

Яқинда чироқчиликлар унинг номзодини Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатганликларини эшитиб хурсанд бўлдим. Сайловчилар ўз ташвишларига, дарду ғамларига муносиб шерик топибдилар. Исмат Хушев бу муаммоларни енгиллатишига асло шубҳа қилмайман.

Тўғрисини айтсам Исматнинг эрта бир кун келиб обрў-эътиборли киши бўлишини ҳаммамиз билардик. Ҳозир шу тўғрида ўйлар эканман Исматдай йигит-қизлар қайта қуришнинг катта оқими учун нақадар зарурлигини ҳис этаман.

Р. ИРИСОВ,
Москва олий партия мактабининг тингловчиси, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

• Қардошлар диёрида

УКРАИНАДА СУМАЛАК

ХАРЬКОВ (Телефон орқали). «Ўзбекистон ўқитувчиси — 90» туристик поезди РСФСР шаҳарлари, Украина ва Молдавия вилоятлари бўйлаб одимламоқда. Сафарга чиққан поездда 380 нафар киши бўлиб, улар асосан ўқитувчи ва мураббийлар, пионер уйларининг директорларидан иборат. Жами 10 та йирик шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, билим даргоҳларида бўлишга мўлжалланган бу сафар йигирма кун давом этади.

Украинанинг йирик маданият ва индустриал марказларидан ҳисобланган Харьков шаҳридаги учрашувлар, дўстона мулоқотлар ўзбекистонлик ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар ўн гуруҳга бўлиниб, саккизта мактаб, ўқув ишлаб-чиқариш комбинати ва пионерлар уйида бўлишлари кўзда тутилган. Айниқса, Харьковдаги 151-ўрта мактабда ўтказилган учрашув таҳсинга лойиқ. Боиси, бу мактаб коллективи Тошкентдаги Куйбишев номли 151-мактаб ўқитувчи-ўқувчилари билан доимий алоқада бўлиб турадилар.

— Мен Тошкент ҳақида кўп эшитганман, «зангори экран» орқали томоша қилганман, — дейди мазкур мактаб ўқувчиси Ирина Миронова. Серқуёш диёрингиздаги ўқувчилар билан хат ёзишиб туришни, қоларверса, бориш-келиш қилишни жуда истардим.

Ўзбекистон саёҳатчилари Украина диёрига Наврўзи оламнинг тотли таоми — сумалакни ўзлари билан олиб келишган эди. Наврўзи оламнинг жумҳуриятимизда илк бор байрам сифатида зўр шодиёналар билан нишонланиши, Шарқ халқларининг азалий анъана, расм-русум ва удумлари ҳақидаги ҳикоялар харьковлик мураббийларда қизиқиш уйғотди. Айниқса, сумалак кўпчиликка маъқул келди.

Саёҳатчилар ўзлари билан олиб борган совға-саломлар орасида шарқона пешайвон қардош халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг ўзига хос рамзига айланди. Пешайвоннинг кўпчиликка ёққан жойи шундаки, уни осон ва енгил йиғиб, тиклаш мумкин. Харьков шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи Н. Луканин ўзбекона меҳмоннавозликдан мамнун бўлди. Делегация раҳбари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев саёҳатчиларга яратилган шарт-шароитлар, меҳмондўстлик ва хайрли юмушлар ҳақида гапириб, украин ва ўзбек халқлари ўртасидаги тарихий алоқаларнинг бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига умидворлик билдирди.

«Ўзбекистон ўқитувчиси — 90» туристик поезди қардошларимиз диёри бўйлаб одимламоқда. Олдинда эса Украина пойтахти Киев ва Молдавия шаҳарлари турибди. Бу ерларда ёш авлодни тарбиялаш бўйича тўпланган бой тажрибалар ўзаро ўртоқлашилади. Ўйлаймизки, бундай сафар Ўзбекистонда таълим-тарбия ишларини янада равнақ топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

С. ИЎЛДОШЕВА,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШИНАЛАРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Яқинда Олмалиқ кон-металлургия заводининг 3-автобазасида ГФРдан келтирилган «Тип-топ» фирмасининг карьерларда ишловчи «БелАЗ» автомобиллари ғилдиракларига иккинчи умр бағишловчи янги қурилма ўрнатилди. Эндиликда бундай шиналар яна камида бир ярим минг километр йўл юриш имкониятига эга бўлди.

Яна шуниси диққатга сазоворки, илгари ҳовлилар автомобилларнинг ишлатилиб, чиқитга чиқарилган шиналари билан уюм-уюм бўлиб ётарди. Энди ана шу майдонлар бундай кераксиз нарсалардан бўшади.

Суратда: автобаза ишчиси Юрий Ўроқов (чапда) шиналарни янгилаётган пайт.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ТЎҚҚИЗ УЧРАШУВ, ИККИ ҒАЛАБА

● БУГУН биринчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари ўтказилади. «Пахтакор» футболчилари сафарда «Нефтчи» командасининг меҳмони бўлишади.

Олий лиганинг ўринбосарлари бугунгача жами 9 та учрашувда иштирок этишди. Аммо мавсум бошида ўтказилган бу ўйинларда кўпроқ очколарни баҳам кўриш кўзга ташланди. Фақат икки ўйинда ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлинди. Чунончи, «Локомотив» футболчилари «Кубань» майдонида дарвозага учта жавобсиз тўп киритиб, ўз ҳисобларига дастлабки қўш очкони ёзишди. «Металлург» командаси ҳам бўш келмади. Бу коллектив футболчилари Ставрополь динамочиларини қабул қилиб (2:0), муваффақият қозонишди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Тирас» —«Нефтчи», — 2:2, «Таврия» —«Зенит» — 0:0, «Тирас» — «Геолог» — 0:0, «Таврия» — «Шинник» — 0:0, «Нефтчи» — «Қайрат» — 0:0, «Нистру» — «Ростсельмаш» — 3:3.

Пахтакорчилар ҳам дастлабки учрашувни дуранг қилишди. Футболчиларимиз Ленинградда «Зенит» командаси билан ўйнаб, бир очколи бўлишди. Учрашувнинг иккинчи қисмида пахтакорчи В. Галеев ҳисобни очди. Лекин ютуқни ушлаб қолишнинг имкони бўлмади. Ҳисоб тенглашди. Учрашувда Огонесян, Пятницкий ва Яновскийлар мухлисларда яхши таассурот қолдиришди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

АХБОРОТ

Буюк ғалабага бағишлаб

● КЕЧА Ўзбекистон «Билим» жамиятида ҳарбий тарғиботчиларнинг икки кунлик семинари ўз ишини бошлади.

Хайрли тадбир совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида қозонилган ғалабанинг 45 йиллигига, жумҳуриятимизда ҳарбий-ватанпарварлик ва байналмилалчилик тарбияси мавзуига бағишланган. Йиғинда Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий округи саркардалари, ҳарбийлар, илмий-тадқиқот муассасаларининг олимлари маърузалар билан қатнашмоқдалар. Улуғ Ватан урушининг келиб чиқиш сабаблари, кўп миллатли совет халқларининг кўрсатган жасорати, адолатли курашда халқлар дўстлигининг қудрати ҳақида фикр юритилади. Ўлкамиз вилоятларида Улуғ Ватан уруши натнашчилари ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилади.

Тошкент—Афина йўллари бўйлаб

● БУГУН «Узинтранс» автомобиль бирлашмасининг маъмурияти Тошкент—Афина маршрути бўйича юк ташувчи автомобилларнинг ҳужжатларини ҳозирлайди.

Шундай қилиб, ўтган йили иш бошлаган, шаҳарлар ва мамлакатлараро юк ташийдиган бу корхона ҳайдовчилари Грециянинг ҳаракат йўлларидан юришга бел боғладилар. Бир неча кундан кейин халқаро сафарга чиқадиган ҳайдовчилар «МАЗ» машиналарида 7 мингга яқин километр йўл босиб, Грециядаги буюртмачиларга 50 тонна асал етказиб берадилар.

Транспорт корхонасининг бош директори Ботир Қосимов бундай деди:

— Биз Ўзбекистондаги исталган корхонанинг юкларини Осиё ва Европадаги белгиланган мамлакатлар адресига етказиб берамиз. Корхонамизда 25 тоннагача юк кўтарадиган 90 та қудратли машина бор. Улар келгусида янада кўпаяди. Ўтган йили 500 марта сафар қилинган бўлса, бу йил бу рақам 1000-1250 тага етади.

Корхонамиз ҳозир истаган миқдорда буюртма қабул қилиш ва уни бажаришга қодир. Чунки биз Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон йўлларида қатнаб, етарли тажриба тўплаяпмиз.

Етти минг кутубхона

● БУГУН Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Тошкентдаги республика марказий кутубхонаси жамоаси хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлайди.

Бу тадбирни амалга оширишдан мақсад китобхонларнинг ҳозирги замон адабиётларига бўлган талабини қондиришдир. Министрликдан маълум қилишларича, бир қатор областлардаги кутубхоналар ҳам ана шундай янгича услубда ишлашга ўтказилмоқда. Андижон, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд кутубхоналари бунга мисол бўлади. Жумҳуриятда ҳозир 7 мингга яқин кутубхона бўлиб, улардаги адабиётларнинг сони 80 миллиондан ошади. Ҳар бир кишига 4 тадан адабиёт тўғри келади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-59-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р.—10012. № 83. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Реклама ва эълонлар

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА
профессор-ўқитувчилар составидаги ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: хўжалик фаолиятининг таҳлили, агрохимия, ўсимликлар физиологияси ва биохимияси, тупроқшунослик, фалсафа;

профессор: фалсафа;

доцентлар: хўжалик фаолиятининг таҳлили, сиёсий иқтисод, боғдорчилик ва узумчилик қишлоқ хўжалиги иқтисоди, агросаноат комплексининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, социализм назарияси, бухгалтерлик ҳисоби ва молия, бошқарув ва совет ҳуқуқи, умумтаълим фанлари (зоология ўқитиш учун), қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг анатомияси ва физиологияси,ноорганик ва аналитик химия, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш, ижтимоий-сиёсий тарих.

ассистентлар: хўжалик фаолиятининг таҳлили, сиёсий иқтисод, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, социализм назарияси, бошқариш ва совет ҳуқуқи, энтомология ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг ўзаро боғлиқликда ривожлантирилиши, ўрмончилик ва ўрмон ўсимликлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва планлаштириш, ипакчилик ва тутчилик.

катта ўқитувчилар: чет тиллари (рус тилини чет тили сифатида ўқитиш), жисмоний тарбия (2).

ўқитувчилар: жисмоний тарбия (7).

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатларни конкурслар тўғрисидаги Низомга мувофиқ қуйидаги манзилга топшириш мумкин: Тошкент шаҳри, 183, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги
АНДИЖОН ИНДУСТРИАЛЬ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ
1990-1991 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

«Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш» техник-механик, ишлаб чиқариш таълими мастери.

«Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш» техник-электромеханик, ишлаб чиқариш таълими мастери.

«Автомобилларни ва двигателларни ремонт қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш», техник-механик ишлаб чиқариш таълими мастери.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

«Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш» техник-механик, ишлаб чиқариш таълими мастери.

«Автомобилларни ва двигателларни ремонт қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш».

Техникумга ҳунар-техника билим юртларини битирган ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, ўзлари ўқиган билим юртларидан ёки область халқ таълими бошқармасидан йўлланма, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, ўқиш ёки иш (меҳнат стажига эга бўлганлар учун) жойидан характеристика, соғлиги ҳақидаги 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун), 3х4 см. ҳажмда 8 дона фотосурат.

Паспорт, ҳарбий билет (ёки хизматга чақирилиши ҳақидаги шаҳодатнома), **трактор ёки автомобиль бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома.**

ҲУЖЖАТЛАР 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан бўлади, танлаган ихтисослиги бўйича малака синови, математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо).

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, ўқувчилар сафига қабул қилиш эса 21 августдан 24 августгача ўтказилади.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-кечак, стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати ҳамма ихтисосликлар учун 2 йилу 10 ой.

Техникум ҳунар-техника билим юртлари учун ишлаб чиқариш таълими мастерлари, ўрта мактаблар ва ўқув комбинатлари учун ўқув ишлаб чиқариш таълими ўқитувчи-инструкторлари, колхоз ва совхозлар учун машина-трактор ҳамда автомобиль парклари эксплуатация қилиш бўйича кенг профилли техник-механик, техник-электромеханиклар тайёрлайди.

Автомобилларни ремонт қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўлимини битирганларга «В» категориядаги транспорт воситаларини ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ҳам қўшиб берилади.

Қўнимгоҳимиз: 710000, Андижон шаҳри, Парк кўчаси, 78-«в» уй. Техникум қабул комиссияси. Телефон: 5-26-62.

1990 ЙИЛ 11-12 АПРЕЛДА
АНДИЖОН ШАҲАР ПИОНЕРЛАР САРОЙИ БИНОСИДА
(Фрунзе кўчаси 23-уй)
ортиқча халқ истеъмоли молларининг улгуржи савдоси бўйича

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Унда иштирок этиш учун улгуржи, чакана савдо ташкилотлари ва саноат корхоналари вакиллари таклиф этилади.

Ширкатлар ярмаркада иштирок этмайдилар.

Иштирокчилар 10 апрель куни таклифномаларсиз келишлари мумкин.

Ўзбекистон ССР Савдо нозирлиги
«Ўзбекбирлашув»
«Ўзпосредторг».

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари бўйича комитет жамоаси комитетнинг катта референти Ж. Жабборовга отаси

Жаббор ХАЛИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг республика Телевидениеси жамоаси ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар Бош редакциясининг хотин-қизлар бўлими мудири Н. Олимбоевага қизи

Гулнора ҚУҚОНБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аппарати жамоаси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг давлат дала ҳовлилари ва дам олиш уйлари дирекцияси директори

Фотиҳ Умарович МУСИННнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Уруш ва меҳнат ветеранларининг Ўзбекистон жумҳурият совети партия, уруш ва меҳнат ветерани

Умар ХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.